

Умра тadbирларини ташкил этиш юзасидан расмий муносабат



15:00 / 24.10.2023 3204

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 августдаги 345-сонли «Умра» тadbирларини ташкил этиш ва ўтказишда зиёратчиларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида эндиликда мамлакатимизда хусусий сектор томонидан «Умра» тadbирларини ташкил этиш ва амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

Унга кўра, туристик фаолиятни амалга ошириш лицензияси чиқиш туризми

кичик турининг «Умра» хизматларини кўрсатиш фаолияти бўйича қуйидаги қўшимча лицензия талаблари ва шартлари жорий этилмоқда:
100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган маблағларни Туризм қўмитасининг Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўяди;

«Умра» хизматлари давомида зиёратчиларнинг гуруҳ раҳбари этиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан тузиладиган шартнома асосида унинг диний билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларини тайинлайди;

«Умра» хизматларини кўрсатувчи туроператор штатида диний (исломий) таълим йўналишлари бўйича республика таълим муассасаси ёки Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг тегишли бакалаврият таълим йўналиши ёхуд магистратура мутахассислиги битирувчиси бўлган камида бир нафар мутахассиснинг бўлишини таъминлайди;

«Умра» хизматларини вояга етмаган фуқароларга кўрсатиш таъқиқланади;
«Умра» хизматларини Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги ҳамкор ташкилот ўртасида имзоланадиган шартномага мувофиқ амалга оширади.

2023 йил 1 октябрдан «Умра» хизматларини кўрсатувчи туроператорлар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Баҳолаш тизими Туризм қўмитасининг махсус сайтида эълон қилиб борилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, қарорда белгиланган қўшимча лицензия талаб ва шартлари 2023 йил 1 ноябрдан қўлланилади.

Шу ўринда, муҳим бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим:
Мазкур қарор асосида эндиликда фақат «Умра лицензиясига эга» бўлган мамлакатимизда фаолият юритаётган туристик ташкилот «Умра» тадбирларини ташкил этади.

Умра фаолиятини 1 ноябрдан сўнг ташкил қилишни реклама қилаётган ҳар қандай «турфирма»нинг лицензияси мавжудлигини суриштириб олишингизни тавсия қиламиз!

Ноқонуний «турфирма» ёки «турагент»лардан огоҳ бўлинг!

Эслатиб ўтамиз! Туристтик ташкилотлар томонидан «Умра» тадбирлари юқоридаги қарор ижросини қатъий таъминланган ҳолда ташкил этилади.